

## Қуръон тиловатида «Аъзу биллаҳ»ни айтиш тилни поклайди | Ҳадис дарслари (322-дарс)



19:00 / 25.03.2025 2534

Аллоҳ таоло:

**«Қуръон ўқиган чоғингда, Аллоҳдан қувилган шайтон(шарри)дан паноҳ сўрагин»,** деган *(Наҳл сураси, 98-оят).*

Яъни, аввал «Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм»ни айтиб туриб, кейин Қуръон қироатини бошлагин, дейилмоқда.

«Аъзу биллаҳи»ни айтиш Қуръони Карим тиловати учун тилни поклайди, кишини Аллоҳнинг Китоби бўлмиш Қуръони Каримни ўқишга тайёрлайди, шайтоннинг васвасасидан сақлайди, бутун вужуди ва шуурини Аллоҳ томон буради.

Худди шу ояти каримадан уламоларимиз Қуръон ўқишни бошламоқчи бўлган ҳар бир инсонга «Аъзу биллаҳи»ни айтиш вожиблиги ҳукмини чиқарганлар. Чунки Аллоҳ шунга амр қилмоқда. Аллоҳнинг амри ҳар бир мўминга вожибдир. Уни қилмаган одам гуноҳкор бўлади.

لَوْ قِيَّتْ رَبِّكَ لَوَلَّى لَابِءَالِ صَلَّى لَمَاقَ إِذِ هَلَلِ لُؤْسَرَنَا كَبَلِاقِ دِيغَسِي بَبَانَع  
لَوْ قِيَّتْ رَبِّكَ لَوَلَّى لَابِءَالِ صَلَّى لَمَاقَ إِذِ هَلَلِ لُؤْسَرَنَا كَبَلِاقِ دِيغَسِي بَبَانَع  
مِجْرَلِ نَاطِي شَلَانِمِ مِجْلَعِ لَعَمِ سَلِ لَهَلِ لَابِءَالِ دُؤْعُ لَوْ قِيَّتْ رَبِّكَ لَوَلَّى لَابِءَالِ  
نَنْسَلِ لَابِءَالِ صَلَّى لَمَاقَ إِذِ هَلَلِ لُؤْسَرَنَا كَبَلِاقِ دِيغَسِي بَبَانَع

Абу Саъийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси намозга турсалар, такбир айтар эдилар ва сўнгра:**

**«Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика ва табарокасмука ва таъала жаддука ва лаа илааҳа ғойрук», дер эдилар.**

**Кейин эса «Аллоҳу акбару кабийро», ундан кейин «Аъзу биллаҳис-самийъил аълийми минаш шайтонир рожийми мин ҳамзиҳи ва нафсиҳи ва нафхиҳи», дер эдилар».**

*«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Имом Термизий «Ушбу ҳадис бу бобдаги энг машҳур ҳадисдир», деганлар.

Ҳанафий ва Ҳанбалий мазҳаблари санога ушбу дуони ўқишни ихтиёр қилганлар. Дуонинг маъноси:

«Аллоҳим! Сенинг Ўзингни поклаб ёд этаман ва Сенга ҳамду сано айтаман. Исминг муборак бўлди. Шаънинг олий бўлди. Сендан бошқа маъбуд йўқ».

У зот сўнгра:

«Аъзу биллаҳис самийъил аълийми минаш шайтонир рожийми мин ҳамзиҳи ва нафсиҳи ва нафхиҳи», деб туриб, намоз қироатини бошлар эканлар.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.**